



АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ, ТУРМУШ ШАРОИТИ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июнь кuni «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш, аҳоли яшааш жойларини обод масканга айлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбасарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирилик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.

Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисидаги фармонига мувофиқ, жорий йилда 159 та тумандаги 386 та қишлоқда қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу қишлоқларда 142 мингта яққа тартибдаги уй-жой ва 1000 дан зиёд қўп қаватли уйни таъмирлаш, 2,5 минг километр электр, 495 километр газ, 2 минг километр ичимлик суви тармоқларини тортиш ва қайта тиклаш, 17 минг донна канализация қудуғи ва 3 минг километр йўлларни таъмирлаш, 2 минг 400 та бозор ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш белгиланган.

Бундан ташқари, 388 мактаб, 313 боғча, 168 тиббиёт муассасаси, 38 маҳалла биноси ва 55 бошқа ижтимоий соҳа объектини қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Бугунги кунга қадар 51 минг 660 яққа тартибдаги уй-жой, 518 қўп қаватли уй, 610 километр электр тармоғи, 66 километр газ қувири, 398 та трансформатор пункти таъмирланган.

Йиғилишда бу борадаги дастлабки натижалар атрофича таҳлил қилинди. Дастурда белгиланган ишларни ташкил қилиш ва амалга оширишда суствашиққа йўл қўйилаётгани қайд этилди.

Таъкидланганидек, дастурга қўшимча қиритилган 64 қишлоқнинг 44 таси бўйича, хусусан, Андижонда — 22, Навоийда — 6, Тошкент вилоятида — 13, Хоразмда — 3 та қишлоқнинг бош режаси ишлаб чиқилмаган.

Президентимиз дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни шакллантириш борасидаги ишлар суствашиқ билан олиб борилаётганини танқид қилди. Қатор ҳудудларда уй-жойларни таъмирлаш ишлари ҳануз талаб даражасида ташкил этилмаган. Мисол учун, 54 қишлоқда жами 14 мингта уй-жойни таъмирлаш ишлари бошланмаган. Қишлоқ жойлардаги қўп қаватли уйларни таъмирлаш ишлари талаб даражасида эмас.

Йиғилишда дастур доирасида аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасидаги ишларни такомиллаштириш зарурлиги таъкидланиб, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида сув тармоқларини қуриш ишларини жадаллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилан олindi.

Ўтказилган таҳлиллар қишлоқларда сизот сувлар сатҳини пасайтириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганини кўрсатмоқда. Сизот сувлар сатҳини пасайтириш учун 2,2 минг километр мелiorация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш талаб этилади. Бироқ, бугунги кунда атиги 220 километр коллектор-дренаж тизимида ишлар бажарилган.

Давлатимиз раҳбари икки ҳафта муддатда қишлоқларда ирригация ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни яқунлаб, ишларни бошлаш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Йиғилишда 73 қишлоқда 455 километр электр тармоқларини ҳамда 40 аҳоли пунктида 76 километр газ таъминотини таъмирлаш ишлари ҳалигача бошланмагани алоҳида кўрсатиб ўтилди. «Ўзбекэнерго» АЖ раҳбариятига бу қолқиликни тезда бартараф этиш, маҳаллий ҳокимликлар билан бирга икки ҳафта муддатда ушбу қишлоқларда электр энергияси тармоқларини таъмирлаш ишларини бошлаш вазифаси топширилди.

Шунингдек, чекка ҳудудларга суюлтирилган газ баллонлари етказиб бериш бўйича кунлик график ишлаб чиқиби ижросини таъминлаш, дастурга қиритилган қишлоқлар ва уларга туташ ҳудудларда автомобиль йўлларини таъмирлашни кузга қадар яқунлаш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда яна бир муҳим масалага эътибор қаратилди. Дастурга қиритилган қишлоқларда ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш ишлари орқада қолмоқда. Жумладан, 318 мактаб бўйича лойиҳа-смета ишлари яқунланмаган. 109 оилавий поликлиникани таъмирлаш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни жадаллаштириш зарур. Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида тиббиёт муассасаларини таъмирлаш ишлари кечиктирилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари фақат Бухоро, Жиззах, Навоий ва Тошкент вилоятларида ўз муддатида бажарилмоқда.

Қишлоқ жойларда замонавий савдо нукталари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этиш қишлоқ аҳолиси турмуш шароити яхшиланишида муҳим самара беради. Бундан 2 ой олдин ўтказилган йиғилишда қишлоқларда 368 савдо комплекси қуриш бўйича топшириқ берилган эди. Айни кунда уларнинг 52 тасини қуриш бошланган, 36 тасига ер ажратилган, 66 таси реконструкция қилинмоқда.

Йиғилишда 214 супермаркет типлидаги савдо комплексларини қуриш, қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари ва ҳаммомларни намунавий лойиҳалар асосида барпо этиш учун буш турган бино-иншоотларни тадбиркорларга бериш чораларини қуриш зарурлиги қайд этилди.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида қурилиш-ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Йиғилишда ҳудудларга қурилиш материалларини узлуксиз ва етарли миқдорда етказиб бериш, қишлоқларда шундай маҳсулотлар дўконлари очиб зарурлиги таъкидланди. Бу белгиланган тадбирларнинг сифатли ва муддатида бажарилишини таъминлаб, қурилиш ишлари нархи ошиби кетишининг олдини олади.

Маълумки, Президентимиз шу йил 1 июнь кuni Чилонзор туманидаги Хирмонтебад ва Тираскент маҳаллаларида бўлганида «Обод маҳалла» дастури лойиҳасини шакллантириш бўйича топшириқ берган эди.

Бугунги кунда таъриба сифатида Тошкент шаҳрининг 11 тумани ва юртимиздаги 30 шаҳарда 1 тадан маҳалла ҳудудда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Давоми 3-бетда. ►

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган мухтарам фахрийларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni билан чин қалбимдан муборакбод этиш, барчангизга чуқур хурмат-эътиромим ва эзгу тилақларимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотлар етказиш борасида сиз, матбуот аҳлининг фидокорона меҳнат қилаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Сизлар каби минг-минглаб олижаноб касб эгаларининг саъй-ҳаракатлари, истеъдод ва маҳорати билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқимиз ҳаётига, унинг қувонч ва ташвишларига тобора яқин бўлиб, Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфасини шакллантиришда гоят муҳим роль ўйнамоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг сони қарийб 4 баробар қўпайиб, 1500 тага етгани ушбу тармоқда ўсиш, ўзгариш жараёнлари изчил давом этаётганидан далолат беради.

Энг муҳими, соҳа ривожига ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда. Бунинг тасдиғини миллий медиа майдонимизда фуқаролик жамиятининг муҳим шартли бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи кенгайиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, интернет журналистикаси жадал ривожланиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситалари ходимларининг демократик жараёнлар, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва нуфузини, маҳаллий газеталар, теле-радиоканалларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг асосийси, матбуотда фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш бўйича ҳиддий ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Газеталаримиз, теле-радиоканалларимизда ошқоралик, таҳлил ва ҳолис танқид руҳи қучайгани,

бевоcита хорижий мамлакатлардан тайёрланаётган материаллар сони ортиб бораётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Бугун биз дунёдаги узоқ-яқин давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, юртимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилар эканмиз, бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича ҳам ҳали қўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушунамиз. **Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда «тўртинчи ҳокимият» даражасига қўтарилиши зарур.** Бу — замон талаби, ислохотларимиз талаби.

Биринчи навбатда медиа тармоқлари фаолияти самарасини ошириш, уларни халқ билан мулоқотнинг ишончли воситасига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш сингари долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Шу мақсадда парламентимиз томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига ахборот соҳасини янада демократлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича фаол иш олиб борилаётгани айниска эътиборлидир.

Бу борада Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш, қалам ҳақи миқдорини ошириш, ижодий жамоалар билан йирик компаниялар ва ҳўжалик бирлasmалари, банклар ўртасида «дўстлар клублари»ни ташкил этишга қаратилган амалий ишларимизни таъкидлаш лозим.

Оммавий ахборот воситалари учун замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида яқинда катта умидлар билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этганимиздан хабарингиз бор.

Ушбу олий таълим маскани соҳада эришилган ютуқларни ҳар томонлама ўрганиш, журналистика фани, унинг илмий-назарий асосларини, замонавий медиатеchnологияларни чуқур ўзлаштириш, халқаро стандартлар даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширилаётган ана шундай ишларнинг барчаси Ўзбекистон журналистика-

сининг ҳақон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Ҳозирги вақтда ҳаётимизда амалга оширилаётган модернизация ва янгиланиш жараёнларининг туб моҳиятини халқимизга етказиш, одамларни янги марралар сари сафарбар этиш, олдимизга қўйган вазифаларни сифатли амалга оширишда сизларнинг таъсирчан сўзингиз, фаол гражданлик позициянгиз сув билан ҳаводек зарур.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай мурракб шароитда ҳам адолат таъмоилига, ўзининг ҳаётий ва ижодий принципларига содиқ қолиш, одамларни қийнаётган камчилик ва муаммоларни дадиллик билан қўтариб чиқиш, уларни бартараф этиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга, аввало, сизлар каби маънавий жасорат эгаларига қодир бўлади.

Биз жамиятимизда ошқоралик, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда, ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлашда сизларга, сизларнинг билим ва истеъдодингизга таянамиз.

Айниқса, ҳаёт ва касб тажрибангизни ёшларга ўргатиш, уларни замонавий фикрлайдиган, Ватан ва халқ манфаатини муқаддас деб биладиган, соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашда кўпчилиққа ўрнак ва намуна бўласизлар, деб ишонаман.

Ўз-ўзидан равшанки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, соҳа ривожига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бундан буён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Азиз ва мухтарам дўстлар!

Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni билан яна бир бор самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда демократик қадриятлар, сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолига ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказиш, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, модернизация жараёнларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги муносиб хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон ва орденлар билан тақдирлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ»

Рашидов Асил — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон, публицист

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

Жалилов Норқобил Қодирович — «XXI аср» газетаси бош муҳаррири

Маҳмудов Фарҳоджон Шавкатович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston 24» телеканали бош муҳаррири

Давоми 2-бетда. ►

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

«YOSHLAR — KELAJAGIMIZ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарлиқни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва сергайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир.

Сўнгги йилларда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён қилиш, уларнинг фуқаролик жавобгарлигини ва олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлигини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга, шунингдек, шу асосда ёшлар бандлигини таъминлашга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Хусусан, ёшлар тадбиркорлигини комплекс ривожлантириш ва ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга фаол жалб қилиш бўйича жойларда мақсадли дастурлар амалга оширилмайти ҳамда зарур инфратузилма яратилмаган, бу эса янги иш ўринлари яратишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Давоми 2-бетда. ►

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЮКСАК ИШОНЧ ВА РАҒБАТ МАСЪУЛИЯТГА УНДАЙДИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар натижадорлигини ошириш, жамиятда демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Соҳа ходимлари мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил асосида ёритиш, аҳолига ҳаққоний ва ҳолис ахборотларни етказиш борасида самарали меҳнат қилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«YOSHLAR — KELAJAGIMIZ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ
МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН
СОҶА ХОДИМЛАРИДАН
БИР ГУРУҲИНИ
МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Раҳмонов Ваҳоб — Адабиётшунос, муҳаррир-ношир

«МЕХНАТ ШУҲРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН

Абдухаликов Фирдавс Фридунович — Ўзбекистон
электрон оммавий ахборот воситалари миллий
ассоциацияси бошқаруви раиси

Алиханов Бобир Ботирович — Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-
таҳлил мултимедиа маркази директори

Вакитов Шерпурот Жўрабоевич — «Овози тожик»
газетаси бош муҳаррири

Кўчқоров Юнусали — Наманган тумани «Истиқлол»
газетаси муҳаррири

Хайдаров Уйғун Тўйчиевич — Қашқадарё вилояти
телерадиокомпанияси бош муҳандиси

«ДЎСТЛИК»
ОРДЕНИ БИЛАН

Абдиҳамидова Умид Сапарбаева — «Қорақал-
погистон» телеканали Ижтимоий-сиёсий ва ижтимо-
ий-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятини катта
муҳаррири

Азимов Алишер Тўхтасинович — «Daryo.uz»
веб-сайти бош муҳаррири

Бадалов Алишер Норматович — Ўзбекистон Мил-
лий телерадиокомпанияси директори

Гуломов Шамшодбек Ҳамидович — Ўзбекистон
электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциа-
цияси бошқаруви раиси ўринбосари — бош директор
Лешинская Татьяна Владиславовна — «Шарқ»
нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қирқув даст-
гоҳлари машинисти

Махмудова Гузал Қорабоева — Ўзбекистон Мил-
лий ахборот агентлиги Таржима таҳририяти етакчи тар-
жимони

Муҳаммадхон Нодирхон Баҳодирович — Ўзбе-
кистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston 24»
телеканали директори

Нурметова Зулайха — Элликқалъа тумани «Давр
кўзгуси» газетаси бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Рес-
публикаси

Ҳосилова Маруса Атоқуловна — «Табиат ва ҳаёт»
газетаси муҳаррири, Навоий вилояти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўла-
ми ижтимоий-сиёсий ислохотлар, янгиланиш ва иннова-
ция жараёнларидаги фаол иштироки, кўп йиллик сама-
рали меҳнати, ёш авлодни она юртимизга муҳаббат ва
содқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат
руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйдагилар
мукофотлансин:

«ШУҲРАТ»
МЕДАЛИ БИЛАН

Баграмов Станислав Владимирович — Ўзбеки-
стон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston 24» те-
леканали шарҳловчиси

Ёмгулова Гулжаҳон Эгамовна — Бўка тумани
«Халқ овози» газетаси бош муҳаррири, Тошкент вило-
яти

Жўраева Барчиной Мусалламовна — Ўзбекистон
Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телекана-
ли Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари
бош муҳарририятини бош муҳаррири ўринбосари

Жўраев Носиржон Жамалидович — Ўзбеки-
стон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Мусаев Жанибек Жамбулович — «UzReport» ахбо-
рот агентлигининг «UzReport.news» веб-сайти муҳарри-
ри

Очилов Аҳор Шукруллаевич — «Ватанпарвар»
газетаси бўлим мудири

Саматов Ғулмжон Хурсанович — «Халқ-
аро Пресс-клуб» нодавлат ноширлик ташкилоти бош
продюсери

Сулаймонов Асрролжон Гафурович — «Ўзбекистон
адабиёти ва санъати» газетаси масъул котиби
Тожилиев Давронбек Рустамович — «ziyouz.uz»
веб-сайти бош муҳаррири

Тўйчиева Доно Оқиловна — Фафур Ғуллом номида-
ги нашриёт-матбаа иқодий уйи корректори

Турсунов Зафар Рихсибоевич — «Radio Poytaxt»
масъулияти чекланган жамияти бош муҳаррири

Умарова Наргиза Баҳодировна — «Ёшлар овози»
газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Шаропов Абдуллажон Турғунович — «Академнashr NMM» нашриёти бош муҳаррири

Эрматов Азизжон Ганиевич — Учкўприк тумани
«Янги Фарғона» газетаси муҳаррири, Фарғона вилояти

Юнусов Баҳодир Махсумович — Ўзбекистон Рес-
публикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳ-
лил мултимедиа маркази бош муҳаррири
Ҳасанов Ғолиб Матлабович — «Зарафшон» —
«Самаркандский вестник» газеталари бош муҳаррири
ўринбосари

◀Давоми, бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 27 июнь

Жойларда давлат органлари ва ташкилот-
ларининг мансабдор шахслари ёшларнинг тад-
биркорлик саводхонлигини оширишга, уларга
бизнес ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини
сингдиришга ҳали ҳам бепарқ ва бепарво му-
носабатда бўлмоқда.

Ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонла-
ма қўллаб-қувватлаш, ёшларни бизнес билан
шуғулланишга фаол жалб қилиш учун шарт-
шароитлар яратиш, иш ўринлари яратиш ва ёшлар
бандлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек,
2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси-
ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши
бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифалари-
га мувофиқ:

1. Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартап-
лари, голяри ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга
қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган
ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган
мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмалари-
га ўқитиш, шунингдек, умуман ёшларнинг ижтимоий-
иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг
бандлигини таъминлашга қаратилган «Yoshlar —
kelajagimiz» Давлат дастурини Тошкент вилоятининг
Қўйи Чирчиқ туманида ва Тошкент шаҳрининг
Чилонзор туманида амалга ошириш бошлангичлиги
маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил 1 июлдан бошлаб республика-
нинг барча туман (шаҳар)ларида «Yoshlar —
kelajagimiz» Давлат дастури (кейинги ўринларда
Давлат дастури деб юритилади) амалга оширилсин.

Давлат дастури доирасида қуйдагилар амалга
оширилиши белгилансин:

а) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида
«Yoshlar — kelajagimiz» жамғармасини (кейинги
ўринларда — Жамғарма), шунингдек, унинг туман
ва шаҳар филиалларини ташкил этиш, Жамғарманинг
маблағларидан Давлат дастуридаги тадбирларни молия-
лаштириш, жумладан, қуйдагиларни амалга
ошириш учун фойдаланиш:

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартап-
лари, голяри ва лойиҳаларини амалга ошириш
учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз
ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни
лизингга бериш;

Давлат дастури доирасида олинладиган кре-
дитлар бўйича кредит ҳажмининг 50 фоизидан
кўп бўлмаган миқдорда кафиликлар бериш;
Давлат дастури доирасида амалга ошири-
ладиган тадбиркорлик лойиҳаларида улар қийматининг
50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда иштирок
этиш, кейинчалик Жамғарма улушини 5 йил давомида
реализация қилиш, тегишли кўникмаларга эга банд
бўлмаган ёшлар яшайдиган уй ҳужаликлари учун 20 та-
гача парранда ва қўён боласи, 5 та майда ва 2 та
йирик қорамол сотиб олиш, уларнинг қийматини
келишилган муддатларда қайтарган ҳолда уларни
боқиб ва кейинчалик реализация қилишда қўмакла-
шиш;

б) ёшларнинг қайта тайёрланиши ва малака
оширишини ташкил этиш, меҳнат бозорига талаб
юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, уларга
бизнес юритиш кўникмаларини сингдириш;

в) давлат-хусусий шериклик шартларида: ёш
тадбиркорларга имтиёзли шартларда биналар,
офис техникаси ва сарфлаш материалларини ижарага
бериш, уларни интернет билан таъминлаш, шунинг-
дек, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари,
голяри ва лойиҳаларини амалга оширишга бошқача
қўмак бериш, жумладан, бизнес режалар ишлаб
чиқиш, маслаҳат, юридик, бухгалтерия ва бошқа
хизмат турларини кўрсатиш, форумлар, мастер-
класслар ва семинарлар ташкил этиш учун «Yosh
tadbirkorlar» коворкинг-марказларини;

савдо-маиший ва кичик ишлаб чиқариш
майдонларини ташкил этиш учун меҳнат кучи
ҳаддан зиёд бўлган туманларда «Yoshlar mehnat
guzari» комплексларини қуриш.

3. «Yosh tadbirkorlar» коворкинг-марказлари
ва «Yoshlar mehnat guzari» комплексларини қури-
ш давлат-хусусий шериклигининг қуйдаги шарт-
ларида амалга оширилиши белгилансин:

а) туман (шаҳар)лар ҳокимликлари; «Yosh
tadbirkorlar» коворкинг-марказлари ва «Yoshlar
mehnat guzari» комплексларини, шунингдек, бошқа
объектларни қуриш учун хусусий инвесторларга,
истисно тариқасида, тўғридан-тўғри музокаралар
орқали ер участка (бўш бина)ларни доимий
фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратати;

б) Жамғарма «Yosh tadbirkorlar» коворкинг-
марказлари ва «Yoshlar mehnat guzari» комплекс-
лари қурилиши қийматининг 30 фоизгача бўлган
қисmini молиялаштиришда мазкур маблағларни
уларнинг устас жамғармаси (капитали)га кейин-
чалик капиталлаштирган ҳолда иштирок этишга
ҳақли;

в) хусусий инвесторлар қуйдаги мажбурият-
ларни ўз зиммасига олади:

«Yosh tadbirkorlar» коворкинг-марказлари ва
«Yoshlar mehnat guzari» комплекслари қурилиши
қийматининг камида 70 фоизини молиялашти-
риш, уларнинг келишилган муддатларда ва намуна-
вий лойиҳаларга мувофиқ қурилиши ва фойдалани-
шига топширилишини таъминлаш; Давлат дастури
иштирокчиси бўлган ёш тадбиркорларга «Yosh
tadbirkorlar» коворкинг-марказлари ва «Yoshlar
mehnat guzari» комплексларида жой бериш, уларга
мақбул нархларда хизматлар кўрсатиш, шунингдек,

◀Давоми, бошланиши 1-бетда.

уларда иш ўринлари умумий сонининг камида
70 фоизи миқдорига банд бўлмаган ёшларни
ишга қабул қилиш шарти билан мустақил равиш-
да тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишин;

Жамғарманинг туман ва шаҳар филиалла-
рини жойлаштириш учун «Yosh tadbirkorlar»
коворкинг-марказларидаги хоналарни бепул
тақдим этишин;

г) «Yosh tadbirkorlar» коворкинг-марказла-
ри ва «Yoshlar mehnat guzari» комплексларини
саклаб туриш хусусий инвесторларнинг маб-
лағи ҳисобидан амалга оширилади;

д) «Yosh tadbirkorlar» коворкинг-марказла-
ри ва «Yoshlar mehnat guzari» комплексларини
қуришга йўналтириладиган маблағлар хусусий
инвесторларнинг солиқ солинадиган базасидан
чегириб ташланеди.

Белгилансинки, Давлат дастурининг амал
қилиши ёшлар тадбиркорлиги субъектлари-
га, 50 фоиз ва ундан кўпроқ муассислари ёшлар-
дан иборат бўлган тадбиркорлик субъектлари-
га, шунингдек, яратиладиган иш ўринларининг
70 фоизидан кам бўлмаган қисmini 5 йил да-
вомида ёшларни иш билан таъминлаш учун
тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига ола-
диган тадбиркорлик субъектларига, жумладан,
хорижий инвесторларга таътиб этилади.

4. Қуйдагилар 2018 йилда Жамғарма маб-
лағларини шакллантириш манбалари этиб
белгилансин:

даромадларнинг прогно қилинган қисmini
ошириб бажариш ҳисобига республика бюдже-
тидан 2018 йил июлда, 1 октябрда ва 1 де-
кабрда тенг улушларда ажратиладиган 500
миллиард сўм миқдориди бегараз молиявий
ёрдам;

ҳар чоракда Жамғармага ўтказиладиган,
вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг
бюджетдан ташқари жамғармаларига тушади-
ган йиллик тушумларнинг 1 фоизи миқдориди
га ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиё-
сати самарадорлигини ошириш ва Ўзбеки-
стон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қув-
ватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон Фармони
13-бандига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар итти-
фокнинг ривожлантириш жамғармасига ҳар
ойда тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;
маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилот-
ларнинг грантлари;

хайрия қилувчилар — жисмоний ва юридик
шахслар, Ўзбекистон Республикаси резиден-
тлари ва норезидентлари йиллик маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча буш маблағларини
тижорат банкларида жойлаштиришдан олин-
адиган даромадлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган
бошқа манбалар.

7. Белгилансинки:

Жамғармага ижро этувчи директор — Ўзбе-
кистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раи-
сининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилади;
Жамғарманинг туман ва шаҳар филиал-
ларига Жамғарманинг ижро этувчи директори
томонидан тайинланадиган тегишли туманлар
ва шаҳарларнинг муваффақиятга эришган ёш
тадбиркорлари раҳбарлик қилади;

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар-
нинг республика ва ҳудудий органлари,
шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкла-
ри ҳодимларининг 30 фоизгача бўлган қисми
ассосий иш жойи бўйича лавозими ва иш ҳақи
саклаб қолинган ҳолда Жамғармага, унинг ту-
ман ва шаҳар филиалларига бириктирилади.

8. Қуйдагилар:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги
«Yoshlar — kelajagimiz» жамғармасининг ту-
зилмаси ҳамда Жамғарма туман ва шаҳар
филиалларининг намунавий тузилмаси 1- ва
2-иловаларга мувофиқ;

Ёшлар тадбиркорлигини ривожланти-
риш республика комиссияси таркиби 3-ило-
вага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Туманлар ва шаҳарларда ёшлар сиёсати,
ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маъ-
рифий ишлар бўйича ҳокимлар ўринбосари
бошчилигида ҳамда ёшлар масалалари бўйича
ички ишлар бошқармалари (булимлари) бош-
ликлари ўринбосарлари, Ўзбекистон ёшлар
иттифокнинг туман ва шаҳарлар кенгашлари
раислари, шунингдек, Тадбиркорликка қўма-
клашиш маркази бўлинмалари раҳбарларидан
иборат ёшлар тадбиркорлигини ривожлан-
тириш комиссиялари (кейинги ўринларда Ко-
миссиялар деб юритилади) тузилсин.

Қуйдагилар Комиссиянинг асосий вазифа-
лари этиб белгилансин:

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар
ҳудудий органларининг, шунингдек, молия-
лаштирувчи тижорат банкларининг бирик-
тирилган ҳодимларини жалб қилган ҳолда
ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартап-
лари, голяри ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда,
зарур ҳужжатлар ва материалларни тайёрлашда
ҳамда расмийлаштиришда қўмаклашиш;

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартап-
лари, голяри ва лойиҳаларини амалга оши-
ришда қўмаклашиш учун талабномаларини,
шунингдек, Давлат дастури доирасидаги бош-
қа муносабатларни «бир дарча» тамойили
бўйича қўриб чиқишлирини таъминлаш;

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар
ҳудудий органларининг, шунингдек, молия-
лаштирувчи тижорат банкларининг бирик-

тирилган ҳодимларини жалб қилган ҳолда
ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартап-
лари, голяри ва лойиҳаларини амалга ошириш
мониторингини ўтказиш, келиб чиққан муаммо-
ларни ҳал қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва
юритиш масалалари бўйича ёшлар орасида
кенг тушутириш ишларини олиб бориш.

10. «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дас-
тури доирасида республиканинг туман ва
шаҳарларида амалга ошириладиган тадбир-
ларни 2018 йилда молиялаштириш параме-
трлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, «Yoshlar —
kelajagimiz» Давлат дастури доирасида рес-
публиканинг туман ва шаҳарларида амалга
оширилладиган тадбирларни кейинги йиллар-
да молиялаштириш параметрлари Жамғарма
мблағларини шакллантиришнинг аниқ ман-
баларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Респу-
бликаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тас-
диқланади.

11. Давлат дастури доирасида ёшларнинг
бизнес ташаббуслари, стартаплари, голяри
ва лойиҳаларини молиялаштиришнинг қуйда-
ги механизмлари ўрнатилсин:

Жамғарма Давлат дастури доирасида
тақдим этиладиган имтиёзли кредитлар ва
мол-мулкни лизингга беришни молиялашти-
риш учун йиллик 5 фоиз ставка бўйича тижорат
банклари молиявий ресурслар ажратати;

имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизинг-
га бериш 5 йил муддатга 12 ойгача имтиёзли
давр билан берилди;

имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизинг-
га бериш Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипак
йўли» АИТБ, Халқ банки АТ ва «Ҳамкор банк»
АТБ орқали амалга оширилади;

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартап-
лари, голяри ва лойиҳалари Ўзбекистон Рес-
публикаси Савдо-саноат палатаси томонидан
молиялаштирувчи тижорат банклари билан
биргаликда ишлаб чиқиладиган намунавий
бизнес-режалари асосида молиялаштирилади;
қиймати 2 миллиард сўмдан юқори бўлган
ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартап-
лари, голяри ва лойиҳаларини молиялашти-
риш уларнинг бизнес режалари Ўзбекистон
Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа
бошқаруви миллий агентлиги билан келишил-
гандан сўнг амалга оширилади;

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартап-
лари, голяри ва лойиҳаларини реализация қи-
лиш учун имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни
лизингга бериш талабномаларини биргалик-
да қўриб чиқиш ва саралаш комиссияси томонидан
амалга оширилади;

комиссия томонидан ҳар бир хонадонлар-
ни уйма-уй юриш, мавжуд инфратузилмани
инвентаризация қилиш, ёшлар шуғулланиш
истатини билдирган меҳнат фаолиятини турини таҳ-
лил қилиш, шунингдек, имтиёзли кредитлар ва
мол-мулкни лизингга бериш талабномаларини
саралаш натижалари бўйича тасдиқланадиган
параметрлар доирасида тегишли туманлар ва
шаҳарларда намунавий бизнес режалар асоси-
да реализация қилинадиган ёшларнинг бизнес
ташаббуслари, стартаплари, голяри ва лойиҳа-
ларининг манзилли рўйхатни шакллантирилади;

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш
республика комиссияси тақдим этилишига қараб,
лекин 2018 йил 1 августдан ва кейинги йиллар-
да 25 декабрдан кечикмасдан Давлат дастури
доирасида тегишли туманлар ва шаҳарларда
реализация қилинадиган ёшларнинг бизнес та-
шаббуслари, стартаплари, голяри ҳамда лойи-
ҳаларининг манзилли рўйхатни тасдиқлайди.
Тасдиқланган манзилли рўйхатга ўзгартириш
қилинмаган қиритиш Республика комиссияси
билан келишилган ҳолда комиссиялар томони-
дан амалга оширилади;

Тасдиқланган манзилли рўйхат имтиёзли
кредитлар ва мол-мулкни лизингга беришни
молиялаштириш учун тижорат банклари-
га ҳамда Жамғармага тақдим этилади;

Молиялаштирувчи тижорат банклари тақ-
дим этилган манзилли рўйхат асосида имти-
ёзли кредитлар ва мол-мулкни лизинг асосида
тақдим этиш ҳақида ўрнатилган тартибда қарор
қўлиб қилади. Ёшларнинг бизнес ташаббуслари,
стартаплари, голяри ва лойиҳаларини амалга
ошириш мақсадида имтиёзли кредитлар ва мол-
мулкни лизингга бериш талабномаларини тижор-
ат банклари томонидан қўриб чиқиш муддати 3
иш кунидан ошмаслиги лозим;

комиссиялар инвестициявий ва ижтимоий
комплекслар ҳудудий органларининг, шунинг-
дек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бирик-
тирилган ҳодимлари билан биргаликда молия-
вий маблағлардан аниқ мақсадда ва ўз вақтида
фойдаланилаётганлиги бўйича ҳар ойда монито-
ринг ўтказиш, мониторинг давомида ёшларнинг
бизнес ташаббуслари, стартаплари, голяри ва
лоийҳаларини амалга ошириш учун тўқсизлик
қилаётган муаммоларни ҳал этиди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат
палатаси молиялаштирувчи тижорат банкла-
ри ва бошқа манфаатдор идоралар билан
биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон
Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа
бошқаруви миллий агентлиги билан келишил-
ган ҳолда Жамғарма маблағлари ҳисобидан
молиялаштириладиган ёшларнинг бизнес
ташаббуслари, стартаплари, голяри ва лойи-
ҳаларининг намунавий бизнес режаларининг
ишлаб чиқишлирини таъминласин.

12. Комиссиялар, Жамғарманинг туман
ва шаҳар филиаллари ва молиялаштирувчи тижор-
ат банклари:

ажратиладиган, шу жумладан, мақсадга

номувофиқ фойдаланилаётган молиявий маб-
лағларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш бўйича
чоралар қўриш;

Давлат дастури иштирокчиси ажратилган
молиявий маблағларни ҳамда етказилган зар-
арни ихтиёрий равишда қўлашдан бўйин
товлаган ҳолларда уларни мажбурий ундириш
мақсадида судга мурожаат қилиш мажбурияти
юклансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси бир ой муддатда қуйдагиларни
тасдиқловчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги
«Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси фаолият-
ини ташкил этиш, шунингдек, Жамғарма маб-
лағларини шакллантириш ва улардан фойда-
ланиш тартиби

Фикрат дарғалари

Дилбар МАХМУДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист.

Қирқ йиллик худудидан сўнг буви ва набира учрашуви ҳақидаги маълумотни марказий матбуот илиб кетди. «Правда» газетасида «1941 йилга қайтиб» сарлавҳали катта ҳажмдаги публицистик мақола эълон қилинди. Унда газетамизнинг хайрли иши ҳақида эслаб ўтилди. «Неделя», «Известия» каби қатор газета-журналларда, Ўзбекистондаги барча матбуот саҳифаларида бу хушхабар ўз аксини топди.

1986 йили халқлар дўстлиги, хусусан, Шомамхудоқовлар оиласи, Фёдор ҳақидаги очеркларини учун Журналистлар уюшмаси мукофотиغا сазовор бўлдим.

Ўйлаб кўринг! Агар Шомамхудоқовлар оиласи ҳақидаги тақлифимни муҳарриримиз қўллаб-қувватлаганида, менга ишонмаганида инсонлар тақдирини билан боғлиқ бу очерклар балки ёзилмай, Фёдорнинг орзулари ҳам армонлигига қўлиб кетармики?! Газетамизда босилган мақола згулиқни чорлади, бу згулиқлар — Мақсуд Қориев шарофати билан рўй берган эди, десам тўғри бўлади.

Олга юринг, аммо менинг ортимдан... Қадмларим биров тезлашиб кетдими ёки раҳбариятнинг янги ишга келган оддий бир ходимга бўлган ишончи, қўллаб-қувватлаши баъзиларнинг гашига тегдими, менга нисбатан муносабат ўзгарди. Бир гуруҳ кимсалар мени руҳий тазйиққа олди. Бир-бирларини қўллаб-қувватлашди. Мен битта эдим, улар эса кўп. Гўё мен катта гуноҳ иш қилиб қўйганим-у, мени жазолашаркандай... Ёзган мақолаларим газета юзини кўрмас, тўпланиб қалашиб ётаверарди. Журналист учун бундан ортқ жазо йўқ. Мен тишимни тишимга босиб ишлайвердим. Икки оёғим бир этикага тикилган эди. Оддатда янги ходимга қизиқаркан, синаб кўришаркан, ёрдам беришаркан, кейин ўз йўлига қўйиб юборишаркан. Буёғини ўзинг олиб кет, яшаш учун кураш дейишаркан. Мен яшаш учун кураш бошладим. Лекин боши берк кўчага кириб қолгандим. Муҳаррирга шикоят қилишни ўзимга эл кўрмадим. Раҳбаримиз ниятда банд эди. Қўли қўлга тегмасди. У чақимчилик, бировнинг устидан шикоят қилганини ёқтирмас эди. Лекин ниятсиз оғирлигини айтмай, кимга кўз ёш тўқасан?! Қабулгига кирдим дейлик, дардимни тўғиб солдим дейлик, лекин у мени

охиргача эшитмас-чи, мени нотўғри тушуна-чи, гапларим ичимда қолиб кетиб, изза бўлиб чиқиб кетсам-чи?! Мен ўзим билан ўзим фикрлашардим. Яхисиси, унга мактуб орқали мурожаат қиламан, деган қарорга келдим ва ёздим... Мактубим жавобини кутаман, кутганим сайин жавоб йўқ... Бунга сайин ич-этимни ейман. Лекин мени бир нарса хотиржам қиларди. Мактубда ёлгон гап, тўхмат йўқ. Фақат ва фақат бор ҳақиқатни ёзганман. Ўзимни ҳақлигимга ишонаман. Раҳбаримизнинг адолатли инсон эканига суянаман.

Вақт ўтган сайин мактубда ёзганим муаммолар ўз ечимини топа бошлади... Охир-оқибат менга қарши, надоматлар бошида турган шахс ишдан кетиб, айримлари нафақага кузатишган, ҳаётим, ижодий муҳит ўз изига тушиб кетди. Мактуб юзасидан муҳаррир билан бир марта ҳам савол-жавоб қилганимиз, у ўз-ўзидан ечимини топганиди. Бу кўпни кўрган, кўпни синаган устозимиз, ёзувчи Мақсуд Қориевнинг раҳбарлик салоҳияти, иш услуби эди. Иш сўнгига етганда муҳаррир котибаси бир кенгерт қўтариб олдимга келди ва уни муҳаррир менга бериб юборганини айтди. Очиб қарасам, менинг унга ёзган мактубим. Устига «Архивингизда сақлан, керак бўлиб қолар» деган муҳаррир дастхоти.

Юқорида мен ўзим ҳақимда, ўзимнинг кичик бир ижодий, ҳаётий фаолиятимга муҳарриримиз дахлдор бўлган мисоллардан айримларини келтирдим, холос.

Тахририят ижодий жамоаси жуда катта куч эди. Жамоада саксондан ошқ ижодий, техник ходимлар ишларди.

Қизил империя ҳукмронлик қилган оғир вазиятларда ҳам бу газета халқ фикри билан ҳисоблашган, ҳақгўйлик йўлидан борган, миллатимиз манфаатини кўзлаган. Газета кечаю кундуз назоратда бўлмасин, ундаги асосий мавзу лахта, гапла, пилла топириқлари, мажбуриятлари, планлари ҳақида бўлмасин, шу планларни бажараётган одамлар, уларнинг турмуш тарзлари, дунёқарашлари, инсоний хислатларига оид катта-кичик мақолаларга газета саҳифасидан, албатта тўғи ажратилар эди. Газета ҳеч қачон ўзлтигидан чиқмаган. Миллий қадриятларимиз, буюк тарихимизни эслатиб турадиган, бошига кўтарилган ва бу туйғуларни ўз ижодлари орқали матбуот саҳифаларига олиб чиқадиган фидойи ижодкорлар газета жамоасида ҳамма вақт бўлган. Улар газетани ардоқлашган. Кечаю кундуз уни меҳр билан қўриқлашган. Аслида, журналистнинг иш вақти ҳеч қачон

чекланмаган. Шундай кунлар бўлардики, ижодий ходимларнинг тахририятда бўлишлари шарт эди. Ўн кунлаб давом этадиган съездларда улар навбатма-навбат кечаю кундуз тахририятда қолишарди. Бетиним келиб турган маърузалар, чиқишлар, ҳужжатларни газета саҳифасига олиб чиқиш, ёритиш ишлари билан банд бўлишарди. Ҳафталаб уйларига бормаган ходимларимиз бир дам мизғиб олиб, яна ишга киришиб кетишарди. Шу ерда овқатланишарди. Ошхонага боришга вақт етишмасди. Баъзида Мақсуд Қориев «ухо-горло-нос» кўтариб кириб келарди. Баъзида бир тоғора қўлпўнай ёки бир тоғора гилос олиб келарди.

Газетанинг янги сонига муҳаррир қўл қўйди, деганингизда юқоридан аниқдан-янгидан расмий хабарлар, қарор ёки маърузалар матни шошилинч келиб қоларди. Қарабсизки, газета макети бузилар, саҳифалар қайтадан тузиларди. Қўрқинсизки, газетанинг ҳар бир сони ҳеч қачон саккиз соатли иш кўни билан ўлчанмаган. Газета цехда босилиб, «киоск»ларга сотувага етиб боргунча ўтадиган вақт 24 соатдан ҳам ошиб кетарди. Газета сотувага чиқди, дегани газета масъулиятдан қўтилди, дегани эмасди. Баъзида кун чиқарда уйимизга етиб келиб, бир пилла чой ичиб, уйдан, бола-чақадан хабар олган бўлиб, яна ишга қопардик. Биз-ку уйимизга бирровга бўлса ҳам бориб-келардик. Муҳарриримиз эса ҳамон ўз хонасида, дамба-дам бўлаётган кўнгирақларга жавоб бераётгани очик эшитиш орқали эшитилиб турарди. Ишқилиб, газетда хато кетмаганимдан, кўнгирақлар иш тўғрисида эмасикан, деган хавотирда бўлардик. Газета ҳафтада олти марта чиқарди. Ҳафтанинг олти кун муҳаррирдан тортиб, ҳар бир ижодий, техник ходим ана шундай ҳаёқонли дақиқаларни бошдан кечирарди.

Ишимиз, вазифамиз оғир эди. Лекин ҳеч ким бу даргоҳдан кетаман, ишламайман, деганини эшитмаганман. Гўё иш дегани шунақа бўлади-да, деб касб-коримизга жон-диллимиз билан қизиқиб, ёпишиб ишлардик.

Қанот қочиб ишлаётуудим, парвоз қилиб учаетуудим, қандайдир дайди ўқ бағримни тешиб ўтди, ўн қанотимни қайириб ташлади — онамдан жудо бўлдим. Ўзимни ўнглаб-ўнгламай, вужудимга иккинчи бир ўқ келиб қадалди — отам бедаво даргда учраб қолди. Мен довдираб қолдим. Қашшаган жонимни ҳовулаб раҳбарим ҳузурига ошқидим. Ўз ҳисобимдан «отпуса» сўрадим. Муҳаррир

эса отамни даволатиш учун шифохонага ётқиш, шифокорлар маслаҳатини олишга ёрдам таклиф этдилар. Бу жараёнларни алпақачон бошимиздан ўтказиб бўлганимиз, буёғи Оллоҳнинг иродаси экани, мўъжиза кутиб яшаш, тақдирга тан беришдан бошқа иложимиз қолмаганини айтдим. Орада кўз ёши тўкиб, кўнглимни бўшатиб ҳам олдим. Мақсуд Қориев оилавий шароитимиз билан қизиқди, акам ёки укам борми-йўқми, сўради. Мен биз икки қизимиз, отамнинг боқувчисига ҳам, суянчиги ҳам иккимиз, дедим. Шунда устоз: — Ҳозирча уйда ишлаб туринг. Ймкон толиб бирор материал тайёрлай олсангиз редакцияга етказиб турасиз... Асосий вазифангиз — бу отангиз. У кишини парвариш қилинг, дуосини олинг. Уёғини кейин гаплашамиз, — деди. Ишондаги ҳамкасблар тез-тез келиб хабар олиб туришарди. Бир кун редакция касабга уюшмаси раиси келиб дори-дармон учун деб биров пул ҳам ташлаб кетди... Ота-жоним пешонамизга синалди. Икки йил ораллигида икки тоғимдан айрилдим. Энг оғир кунларимда ижодий жамоамиз ёнимда бўлди. Усмон Юсупов, Раҳматилла Исҳоқов, Тожибой Унабоев, Маъруф Назаров отамни сўнгги йўлга кузатишда белпарига белбоғ боғлаб, ўғил ўрнига ўғил бўлиб бизнинг қаторимизда туришди. Бу згулиқлар орқасида раҳбаримиз тургани сир эмас эди.

Шу ўринда муҳарриримиз билан боғлиқ яна бир воқеани ҳикоя қилим бор. Ёзувчи ва публицист Самар Нуров газетамизнинг Сирдарё вилояти бўйича мухбири эди. 1973 йил, 22 июнь, айни саратон. Газета топириги билан у Оқолтин туманидаги «Фаргона» ҳўжалигига боради. Кун иссиқ, дала, чанг-тўзон. Бир ювиниб олай, деган маънода у шийпондаги ҳовузга ўзини ташлайди. Сув остидаги қувурнинг ўткир учига бошига жароҳат етказди. Умуртка суяги 3-4 бўғиндан синади... Транспортида олиб юриш мумкин бўлмагани учун «Мир-зачўлқурилиш» бошқармасига қарашли шифохонада қолдиришди.

...Махсус кроватда ётибман. Бўйимга тош осылган. Нафас олишим оғир. Иштаҳа йўқ. Умуртка суяқларим ёнади. Уйлов, ваҳима, азоб-оғриқларга қўнжа бошладим. Иссим қирқ бир даражага етганда ҳушимдан кетаман. Шунда резина идишларига солиб музлатилган муз халталарини пешона, кўкрак, биқин, тиззамга қўйишди. Ҳарорат ўттиз тўққизга тушганда ҳушимга келиб, кўларимни очаман, атрофга қарайман...



Махшур космонавт В. Жонбеков тахририятимиз меҳмони. 1980 йиллар.

«...Мақсуд Қориев республиканинг энг катта нейрохирургларини Оқолтинга бошлаб келдилар. Нейрохирургия марказининг илмий раҳбари Абдулхайр Мирсодиқов мени кўрди... Ҳушимга келиб, Мақсуд аканинг сўзларини эшитдим: — Ҳали Самар билан катта уммонларда чўмиламиз...»

«...Ҳар кун Тошкентдан бир машина бўлиб ҳамкасблар келиб-кетишарди. Дори-дармон, озик-овқат, гул... Ҳар шанба шифохона устида «Кукүруз» — самолёти айланиб, махсус майдончага бориб қўнади. «Тез ёрдам» уларни олиб келади. Профессор маспаҳат бериб, яна қайтиб кетади... Бу борди-келдилар ўз-ўзидан бўлмаслигини, Мақсуд аканинг саъй-ҳаракатлари ҳосиласи эканини сезиб турибман...»

«...Тошкентга олиб келишди. Нейрохирургия марказида алоҳида хонага жойлаштиришди. Ҳароратим ҳали ҳам баланд. Танамда бир литрга етар-етмас қон қолган. Бу жароҳатларнинг битиши у ёқда турсин, аъзоларнинг рисоладагидек ишлашига ҳам қийин эмас... Етмиш бир кунда таним қирқ бир килограмм озиб, ўттиз бир килограмм қолди...»

«...Абдулхайр ака хонага суюниб кирди. Қўлида картон қўти: — Мақсуджонга раҳмат, — дейди жипмайиб. Икки флакон хорижда ишлаб чиқарилган ноёб дори сўровдим, у бўлса катта хазина юборибди. Етти марта қон қуйишди... Нияҳт, оёққа турғизди...»

«Мақсуд акам елкаларига оқ халат ташлаб соғлиқни сақлаш вазири Қайом Зоиров бошлиқ казо-казоларни палатага бошлаб келди. Қайом ака ҳол-аҳвол сўраб туриб, касаллик варақамга «Семашкога» деб ёзиб бердилар...»

«О, танграм, мен ғариб, нотавон юрган бу дунёда қандай мўъжизаларинг бор-а! Ўлиқни тириштирадиган қуй-қўшиқлар, ожизнинг қўларини очувага қодир ранглар, хуруши жаҳон, ой-ю юлдузлар. Лекин ба-рибир шуларнинг гултожи, шоҳ асари Инсон, унинг юраги бўлса керак...»

«О, танграм! Бу ғариб, серғалва дунёни безаш учун шундай олижаноб, оқибатли инсонларни яратиб қўйганинга шуқорналар бўлсин... Мақсуд ака тўқсон ёшга етганларида айтадиган икки оғиз сўзимни ҳам юрагимга тугиб қўйибман. Тангри иноят қилса, бу ҳам армон бўлиб қолмас...»

Юқоридagi самимий дил сўзлари ёзувчи, публицист Самар Нурнинг Мақсуд Қориев етмиш ёшга тўлганда ёзган икки калом сўзи — «Қиёмат қарар» отлиқ табрик мактубидан олинган айрим парчалар. Устоз Мақсуд Қориев тўқсон ёшга етолмадилар. Самар Нур ҳам узок яшай олмади. Армонлари ичида кетди. Лекин улардан буюк бир хотира қолди. Бу — яхшилик деган ном. Ушанда бу ижодий жамоага янги ишга келган пайтларим эди. Юқорида тасвири берилган қайғули, таҳликали онларнинг гувоҳи бўлганман. Муҳарриримиз бошчилигида ижодий жамоанинг Самар Нуров учун оёққа тургани, уларнинг бу фидойиликларидан қаттиқ таъсирланиб, «Инсон қадри» сарлавҳали мақола ёзганман. Ахлоқий-инсонийлик йўналишидаги бу мақола ўзимизнинг газетамизда босилган. Бу хикоялар Мақсуд аканинг инсонийлик хислатларидан мен кўрган, билганларимдан бир шингил, холос. Ҳали мен билмаган, кўрмаганларим қанча экан-а!

(Бошлангиси 21-26-июнда.
Давоми кейинги сонда).

РЕКЛАМА

QQB QISHLOQQURILISHBANK

“QQB-MOBILE” — барча хизматлар мобил телефонингизда!

✓ **Замонавий**
✓ **Қулай**
✓ **Тезкор**

Дастурдан фойдаланиб:

- ✓ Уяли алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлар, рақамли телевидение хизматлари;
- ✓ «Қишлоққурилишбанк» дан олинган истеъмо ва ипотека кредитлари;
- ✓ Коммунал хизматлар;
- ✓ Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жарималари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Илова ёрдамида МУНИС тўлов тизими орқали АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» пластик картасидан маблағларни бошқа банк пластик картасига ўтказиш имконияти мавжуд.

«Қишлоққурилишбанк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

QQB QISHLOQQURILISHBANK

Дастурдан фойдаланиб:

- ✓ Уяли алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлар, рақамли телевидение хизматлари;
- ✓ «Қишлоққурилишбанк» дан олинган истеъмо ва ипотека кредитлари;
- ✓ Коммунал хизматлар;
- ✓ Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жарималари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Илова ёрдамида МУНИС тўлов тизими орқали АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» пластик картасидан маблағларни бошқа банк пластик картасига ўтказиш имконияти мавжуд.

«Қишлоққурилишбанк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

☎ (+99871) 150-39-93, 150-76-47 Хизматлар лицензияланган. 🌐 www.qqb.uz

ЗАВОД «KRANTAS»
Производит и реализует под заказ:

► Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
► Водовозы — 4, 8, 12 м3.
► Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
► Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.

► Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
► Автогудронаторы — 6, 8 м3.
► Полуприцепы: бензовоз, самосальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Қашқадарё вилояти кенгаши Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдумурод Бозоровга турмуш ўртоғи **Махмудова Рохила** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Шарқ тилларини ўқитиш методикаси ва педагогика кафедраси ўқитувчиси **Лилия Латипова**га отаси **Владимир ЛАТИПОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihiiddin	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV	Ochilboy RAMATOV	

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yl 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638. 11092 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 02:10.
Topshirilgan vaqti — 03:55.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

4772010743006

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6